



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
Ислон Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmasini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
Дониёр Журакулович Абдуразаков Кишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

Сирожиддин Шерали ўғли Халилов – “Alfraganus University” нодавлат олий таълим ташкилоти Халқаро туризм менежменти кафедраси мудири, PhD

МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ТАРМОҒИДА РАҚОБАТ МУҲИТИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Аннотация: мақолада миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва уни ташкил этувчи таркибий компонентлар ўзаро алоқадорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Рақобат муҳити компонентларининг миллий туризм тармоғига таъсири ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий туризм тармоғи, рақобат, рақобат муҳити, рақобат компонентлари, тартибга солиш воситалари.

Кириш. Миллий туризм тармоғи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг ажралмал бўлаги саналади. Миллий туризм тармоғининг давлат томонидан изчил қўллаб-қувватланиши янги иш ўринларининг яратилишига, давлат бюджети даромадлар базаси ортишига, халқаро миқёсда мамлакат ижобий имижининг мустаҳкамланишига ва маданиятлараро алоқаларнинг чуқурлашишига олиб келади. Туризм XX аср феномени сифатида тан олинади ҳамда янги юз йилликда ушбу тармоқ тараққиётини жадаллаштириш давлатлар иқтисодий сиёсатининг етакчи таянч нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, глобал миқёсда туризм соҳасининг хизматлар халқаро савдосидаги улуши 30% ни ташкил қилади. Туризм соҳаси жаҳон капиталининг 7% гача миқдорини яратади. Биргина 2019 йил якунларига қўра, туризм мақсадларидаги хорижий сафарлар сони 1,5 миллиардни ташкил қилган. 2020 йилга қадар, жаҳон туризм бозори ҳажми қарийб 9 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Пандемия келтириб чиқарган инқироздан аввал дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритган. 2021 йилдан туризм тармоғида ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди. Ривожланиш суръатлари қайта тикланмоқда¹.

Туризм соҳасига жами иш билан банд аҳолининг 6% и тўғри келади. Жаҳон миқёсида аҳоли истеъмол харажатларининг 11% и туризм соҳасида сарфланади. Туризм соҳасида инвестициялар ўсиши йиллик 35% ни ташкил қилади. Пандемик локдаунлар шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш, миллий туризм тармоғи рақобат устунликларини ривожлантириш талаби янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Миллий туризм тармоғи ривожланишининг методологик асослари хорижлик ва маҳаллий олимлар илмий ишларида муҳим тадқиқот предмети сифатида ўрганилган. Жумладан, туризм индустриясининг ривожланишига бағишланган илмий манбалардан энг муҳимларидан бири В.И.Азар тадқиқот ишларини санаб ўтиш мумкин.

Сўнги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ҳам диққатга молик. Ж.Н.Абиев миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган. А.А.Эшгаев томонидан туризм индустрияси ва уни бошқаришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш методологияси тадқиқ этилган. Бироқ бугунгача олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларда миллий туризм тармоғида рақобат муҳити муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот иши эса масаланинг айни жиҳатларини қамраб олган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди. Хусусан, ўндан ортиқ туристик объектларда респондентлар билан чуқурлаштирилган интервьюлар ташкил этилди. Натижада Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг жинси, ёши, маълумоти, даромадлари каби демографик кўрсаткичлар юзасидан

¹ www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти маълумотлари асосида жамланган.

маълумотлар тўпланди. Бундан ташқари, туристик фаолият субъектлари менежерлари ўртасида фокус-гурӯхлаш методи асосида таҳлилий изланишлар олиб борилди. Таҳқиқотлар натижасига кўра, туристларга тақдим этилаётган асосий туристик маҳсулотлар таркиби ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда туризм тармоғига иқтисодийнинг стратегик сектори мақоми берилган 2016 йилдан буён фуқароларидан Ўзбекистонга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 90 тага етказилди. 53 та давлат учун “электрон виза” тизими жорий этилди. 48 мамлакат фуқаролари учун визасиз транзит режими жорий этилган. 2026 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 9 миллионга, туризм хизматлари экспорти 1,8 миллиард долларга етказилиши режалаштирилган. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сони келгусида ҳар йили 12 миллиондан ошади. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2 баробарга оширилиб, 520 мингга етказилади. Ўзбекистондаги 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастури қабул қилинади¹.

Маълумки, туристик бизнес тўртта таркибий ташкил этувчилар комбинациясида амал қилади: капитал, технология, кадрлар, рекреация ресурслари. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир хорижий турист ўзга мамлакатга ташрифнинг ҳар суткасида ўртача 200 АҚШ доллари сарфлайди. Мамлакатга ташриф буюрган ҳар 20 нафар турист айна соҳада 1 та ва турдош соҳаларда 2 та янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади. Демак, туризмнинг мультипликатив самараси ижтимоий жиҳатдан аҳамиятлидир ва аҳоли даромадлари ортишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон миллий туризм тармоғининг туроператорлик хизматлари, жойлаштириш хизматлари, транспорт хизматлари, овқатлантириш хизматлари сегментларида соф рақобат муҳитини барқарор сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этади. Айна сегментларда йирик бозор улўшарига эгаллик қилиб келаётган корхоналар мавжуд. Аммо уларнинг ўз манфаатларинингига кўзлаб, ўзаро келишилган ва олдиндан режалаштирилган тижорат фаолияти натижасида янги корхоналар учун сунъий тўсиқлар яратилиши кузатилмайди. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси каби давлат тузилмалари ва нотижорат ташкилотлари миллий туризм тармоғида соф рақобат муҳитининг амал қилишини рағбатлантириб келмоқда. Янги туристик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилганлиги, рухсат берувчи ҳужжатлар рўйхати қисқартирилганлиги, тижорат айланмасини барқарор шакллантириб олгунга қадар солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши, тижорат банклари томонидан кредит ресурсларининг мақбул шартларда берилаётганлиги, туристик хизматлар бозори учун яратилаётган стартап-лойиҳаларига давлат грантларининг ажратилаётганлиги бунинг исботи бўла олади.

Миллий туризм тармоғи рақобат муҳити нафақат ягона сегмент доирасидаги истеъмолчилар аудиторияси билан ишлаётган туристик корхоналар ўртасидаги ўзаро манфаатлар тўқнашувидан, балки бошқа яна бир қанча таркибий элементлардан иборат. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва билвосита кечувчи иқтисодий муносабатлари пировард натижада рақобат муҳитининг самарали амал қилишини таъминлаб беради. Таркибий элементлар бир бутунлиги ва уларнинг ўзаро таъсирида рақобат муҳити доимий такомиллашиб боради. Рақобат муҳитининг асосий элементлари сирасига давлатнинг рақобатга оид сиёсати, ўринбосар (функционал ўхшашликларга эга) хизматларни тақлиф қилувчи корхоналар, асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналар (сервис провайдерлари), туристлар, рақобатлашувчи субъект сифатида миллий туризм тармоғига кириб келишдаги тўсиқлар қиради (1-жадвал).

¹ www.uzbektourism.uz – Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида жамланган.

Ўзбекистон Республикасида рақобатга оид иқтисодий муносабатлар “Рақобат тўғрисида”ги 2012 йил 6 январда қабул қилинган ЎРҚ-319-сон Қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонунга кўра, рақобат соҳасидаги ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси белгиланган. Мазкур қўмита корхоналарнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга оширади¹.

1-жадвал

Миллий туризм тармоғида рақобат муҳитини ташкил этувчи элементлар²

Т/р	Рақобат муҳитини ташкил этувчи элемент	Алоҳида олинган элементнинг умумий рақобат муҳитидаги ўрни
1.	Давлатнинг рақобатга оид сиёсати	- рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий базани яратиб беради; - монополияни чеклаш соҳасида қатъий давлат сиёсати юритилишини таъминлайди.
2.	Функционал ўхшашликларга эга хизматларни тақлиф қилувчи корхоналар	- хизматлар нархи ошиб кетишининг олдини олади; - туристлар учун сифат кўрсаткичи юқори бўлган хизматлар тақдим этилишини рағбатлантиради.
3.	Таъминотчи корхоналар	- туроператорнинг тақлифлар дифференциациясини таъминлайди; - туристик маҳсулот реновациясига (тузилмавий янгиланишига) олиб келади.
4.	Туристлар	- асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналарни бозор тадқиқотларини амалга оширишга ундайди; - туроператорда инновацияларни ўзлаштиришга мотив уйғотади.
5.	Рақобатлашувчи субъект сифатида миллий туризм тармоғига кириб келишдаги тўсиқлар	- асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналардан ўз ресурслари ва имкониятларини объектив баҳолаш талаб қилади; - рақобатчиларнинг молиявий ва айрим расмий тузилмаларнинг маъмурий босимига нисбатан превентив чоралар қўришни тақозо қилади.

Давлатнинг рақобатга оид сиёсати натижасида соф рақобат муҳитини марказлашган ҳолда тартибга солиш ва назорат қилиш имконияти пайдо бўлади. Инсофсиз рақобат кураши ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу ҳаракатларни содир этган корхоналарга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам қўрилади. Ўз ўрнида, давлатнинг рақобатга оид сиёсати натижадорлиги устидан парламент назорати ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан рақобат соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси тизимли равишда ўрганиб борилади. Парламент мониторинглари якунида рақобат муҳитини такомиллаштиришга тегишли қарорлар қабул қилиниб, мутасадди органларга тақлифлар етказилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги 2012 йил 6 январда қабул қилинган ЎРҚ-319-сон Қонуни 9-моддаси.

² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий базани яратиб бериш давлатнинг рақобатга оид сиёсати асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Рақобат тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг рақобат муҳитини такомиллаштиришга тегишли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари айтилган соҳанинг ҳуқуқий базасини шакллантиради. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси миқёсида қатъий ижросини назорат қилиш рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни чеклайди.

Ўринбосар (функционал ўхшашликларга эга) хизматларни таклиф қилувчи корхоналар миллий туризм тармоғида рақобат муҳитининг муҳим элементи саналади. Турист дам олишни режалаштирган муддатлари ва тўлов лаёқатига кўра бир нечта туроператорлар томонидан таклиф қилинаётган туристик маҳсулотларни таққослаб кўриш имкониятига эга. Солиштиришлар натижасида турист ўз саломатлигини ва руҳий қувватини тиклаш, маърифий дунёқарашини кенгайтириш, тарихий-маданий объектлар билан танишиш имконини берувчи бир-бирини ўрнини босадиган туристик маҳсулотларга баҳо беради. Энг сўнггида муддатлар, нарх, хизматлар категорияси мезонлари асосида харид бўйича яқиний қарорни қабул қилади.

Бу шароитда турли давлатлар ва шаҳарларга, мақсадлар таснифи бўйича турли йўналишларга, турли ёш категорияларига мўлжалланган, турли ресурслар негизида ишлаб чиқилган туристик маҳсулотлар эгалари рақобатга киришади. Рақобат муҳитининг мазкур элементи иқтисодий жиҳатдан муҳим саналган бир нечта натижаларга эришишга замин яратади. Хусусан, туроператорлар томонидан ишлаб чиқилувчи туристик маҳсулотлар нархи ошиб кетишининг олди олинади. Турист эҳтиёжини қаноатлантиришдаги функционал ўхшашликлар эвазига ягона бозор сегменти доирасида фаолият юритмайдиган туристик корхоналар ҳам билвосита рақобат курашига жалб этилади.

Бундан ташқари, турист эҳтиёжини қаноатлантиришда функционал ўхшашликларга эга туристик маҳсулотларни таклиф қилувчи туроператорлар рақобати бозорга сифат кўрсаткичи юқори бўлган хизматлар тақдим этилишини рағбатлантиради. Таъкидлаш жоизки, миллий туризм тармоғида сифат категориясини баҳолаш тартиби моддий-ашёвий буюмлар сифатига нисбатан фарқланишларга эга. Аввало, туристик хизматларнинг сезилмаслик ва сақланмаслик хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятларга кўшимча равишда сифатни баҳолаш туристик хизматларни тақдим этувчи персонал малакасига ҳам боғлиқ. Демак, туристнинг бениҳсон туристик маҳсулотни сотиб олиши туроператорнинг келгуси тижорат муваффақиятларининг негизини яратиб беради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, миллий туризм тармоғида рақобат муҳити элементлари намоён бўлишининг қуйидаги илмий-назарий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш ўринли:

▶ миллий туризм тармоғида рақобат муҳити асосий хизмат турларини тақдим этувчи транспорт ташкилотлари, жойлаштириш воситалари, овқатлантириш муассасалари тижорат фаолиятидан иборат бўлади;

▶ миллий туризм тармоғи рақобат муҳитининг асосий элементлари сирасига давлатнинг рақобатга оид сиёсати, ўринбосар (функционал ўхшашликларга эга) хизматларни таклиф қилувчи корхоналар, асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналар (сервис провайдерлари), туристлар, рақобатлашувчи субъект сифатида миллий туризм тармоғига кириб келишдаги тўсиқлар киради;

▶ давлатнинг рақобатга оид сиёсати рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий базани яратиб беради ҳамда монополияни чеклаш соҳасида қатъий давлат сиёсати юритилишини таъминлайди;

▶ функционал ўхшашликларга эга хизматларни таклиф қилувчи корхоналар хизматлар нархи ошиб кетишининг олдини олади ва туристлар учун сифат кўрсаткичи юқори бўлган хизматлар тақдим этилишини рағбатлантиради;

- ▶ таъминотчи корхоналар туроператорнинг таклифлар дифференциациясини таъминлайди ва туристик маҳсулот реновациясига (тузилмавий янгиланишига) олиб келади;
- ▶ туристлар асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналарни бозор тадқиқотларини амалга оширишга ундайди ва туроператорда инновацияларни ўзлаштиришга мотив уйғотади;
- ▶ рақобатлашувчи субъект сифатида миллий туризм тармоғига кириб келишдаги тўсиқлар асосий хизмат турларини тақдим этувчи корхоналардан ўз ресурслари ва имкониятларини объектив баҳолаш талаб қилади ҳамда рақобатчиларнинг молиявий ва айрим расмий тузилмаларнинг маъмурий босимига нисбатан превентив чоралар кўришни такозо қилади.

Давлат марказий мувофиқлаштирувчи тузилма сифатида рақобат мухити шакллантириш, рақобат элементлари ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, рақобат мухитига деструктив таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Бунда, айниқса, туристик корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи молиявий имтиёзлар ва иқтисодий преференциялар тизимини яратиш эвазига рақобат мухитида янги бизнес субъектлари пайдо бўлишини қўллаб-қувватлашга диққат қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон.
2. Азар В.И. “Рекреацион география”. Монография. Москва, 2017 й., қайта нашр – 89-124 б.
3. Абиёв Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Самарқанд, 2019 й. – 11-14 б.
4. Эшгаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Самарқанд, 2019 й. – 18-24 б.
5. Амонбоев М., Халилов С. Туризм индустрияси ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” электрон журнали. Тошкент 2019.

С.Халилов	S.Khalilov
Конкурентная среда в национальном туристическом секторе и ее основные составляющие элементы	Competitive environment in the national tourism sector and its structural elements
<p>Аннотация: В статье рассматриваются актуальные проблемы конкурентной среды и взаимосвязь ее структурных компонентов в национальном туристическом секторе. Также анализируется влияние компонентов конкурентной среды на национальную туристическую отрасль.</p> <p>Ключевые слова: национальный туристический сектор, конкуренция, конкурентная среда, конкурентные компоненты, инструменты регулирования.</p>	<p>Abstract: The article examines the current issues of the competitive environment and the interrelationship of its structural components in the national tourism sector. It has been also analyzed the impact of the components of the competitive environment on the national tourism sector.</p> <p>Keywords: national tourism sector, competition, competitive environment, competitive components, regulatory tools.</p>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023